

## **ЎТМИШГА НАЗАР**

**МАХСУС СОН**

---

## **ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ**

**СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК**

---

## **LOOK TO THE PAST**

**SPECIAL ISSUE**



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Муртазаева Раҳбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакесва Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Хамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчехра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎзР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доцент*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Сайнова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнуэр Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доцент,  
тарих фанлари номзоди*

**Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи:** Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

<b>23. Berdiyev A.A.</b> BUXORO AMIRLIGINING XVIII- XIX ASRLARDA TASHQI SAVDOSI VA DIPLOMATIK ALOQALARI HAQIDA AYRIM MA'LUMOTLAR.....	198
<b>24. Ботиров Э.</b> МУҒУЛЛАРДАН ТЕМУРИЙЛАРГАЧА: БОЖХОНА ВА БОЖ СОЛИҚЛАРИ ТАРИХИДАН.....	208
<b>25. Валихонова Г. К.</b> РУС САЙЁҲЛАРИ ВА ҲАРБИЙЛАРИНИНГ ШАРҚИЙ ТУРКИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА МУНОСАБАТЛАРИ.....	214
<b>26. Ганиева Ч.Х.</b> МУЗЕЙЛАР ФАОЛИЯТИДА МАДАНИЙ-ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ.....	220
<b>27. Давлатова Ш.</b> АМИР ТЕМУР ДАВРИ ТАРИХИ ҲАҚИДАГИ МАНБА.....	227
<b>28. Ёдгоров З.Ш.</b> МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ.....	233
<b>29. Жахонов Т.</b> ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX аср 70-йилларига қадар).....	239
<b>30. Жўраев А.</b> ЁЗМА МАНБАЛАРДА ЎЗБЕК ДАВЛАТЧИЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ТАРИХИ.....	244
<b>31. Zupunova G.</b> ONALIK MAROSIMI: TOSHKENT TATARLARINING QARASHLARI VA E'TIQODLARI.....	249
<b>32. Инатов М.Н.</b> XX АСР 20-ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОНДА АҲОЛИШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ.....	261
<b>33. Кариева Н.А.</b> РОССИЯ ИМПЕРАТОРЛИГИ ЖАМИЯТИ АЪЗОСИ Н.А.СЕВЕРЦОВНИНГ ТУРКИСТОН ҲУДУДИДА ОЛИБ БОРГАН ФАОЛИЯТИ МАСАЛАСИГА ДОИР.....	269

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT


- 34.Канимкулов О.Ш.**  
ЎЗБЕКИСТОНДА ТАРИХ ҲАМДА АРХЕОЛОГИЯ  
ФАНИНИНГ ТАРАҚҚИЁТИДА ЯҲЁ ФУЛОМОВ ХИЗМАТЛАРИ.....278
- 35.Камолов Ж.М.**  
ЭФТАЛИТЛАР ДАВРИ ШАҲАРСОЗЛИГИ.....286
- 36.Курязова Д.**  
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ АРХЕОЛОГИК ОБЪЕКТЛАР ВА УЛАРНИ  
МУЗЕЙЛАШТИРИШ ЙЎЛИ БИЛАН САҚЛАБ ҚОЛИШ МАСАЛАЛАРИ...292
- 37.Қурбонов Ф.Н., Шоев И.Х.**  
БУХОРО ДАВЛАТ МУЗЕЙ - КЎРИҚХОНАСИ ЖАМЛАНМАСИДАГИ  
ИСЛОМДАН ОЛДИНГИ ДАВРГА ОИД ТАНГАЛАР ВА ТАНГА  
ХАЗИНАЛАРИ (НУМИЗМАТИК ТАҲЛИЛ).....299
- 38.Исматова Н.К.**  
ЯНГИЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОНДА УМУМИЙ ЎРТА  
ТАЪЛИМДАГИ ИСЛОҲОТЛАР (1989-2020 йиллар).....307
- 39.Исматуллаев Ф.О.**  
ЎЗБЕКИСТОН ВА ЛАТВИЯ ЎРТАСИДАГИ  
ҲАМКОРЛИКНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ.....319
- 40.Кадирова М.Т.**  
МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ УСМОНИЙЛАР  
ИМПЕРИЯСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ.....329
- 41.Каромов Ф.Ҳ.**  
ТУРКИСТОНДА ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ.....334
- 42.Мажидов Ш.Ф.**  
МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИКНИ ЭТНОСИЁСИЙ  
ЖИҲАТЛАРИ: ЕИ ТАЖРИБАСИ (2000-ЙИЛЛАР БОШИ).....340
- 43.Мамадаминова Б.**  
ХОРАЗМ ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИНИНГ  
ИЖТИМОИЙ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....345
- 44.Mattiyev O'.B.**  
TURKISTONDAGI AFG'ON MUHOJIRLARI FAOLIYATINING  
GENERAL GUBERNATORLIK DAVRI HUJJATLARIDA YORITILISHI.....353

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

**Жахонов Темурхон,**  
Ўз.ФА Санъатшунослик институти таянч докторанти  
kseni pa6969@mail.ru

## ШИМОЛИЙ БАҚТРИЯ КУШОНЛАР ШАҲАРСОЗЛИГИНИ ЎРГАНИЛИШИНING АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ (XX АСР 70- ЙИЛЛАРИГА ҚАДАР)

*For citation: Jakhonov Temurkhan. Some issues of studying of the urban planning of the kushans of Northern Bactria (until the 70s of the XX century). Look to the past. 2020, SI, pp. 239-243*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-29>

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Шимолий Бақтрия кушонлар даври шаҳарсозлиги ўрганилиши тарихи XIX аср ўргаларидан "Кушон" мавзуси илмий мунозараларга кириб келишидан токи XX аср 70-йилларгача бўлган тадқиқотлар мисолида таҳлил қилинади.

**Калит сўзлар:** Шимолий Бақтрия, Кушон, экспедиция, шаҳарсозлик, Чингизтепа, Далварзинтепа, Эски Термиз.

**Жахонов Темурхон,**  
докторант Института Искусствознания  
Академии наук Узбекистана  
Kseni pa6969@mail.ru

## НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ИЗУЧЕНИЯ ГРАДОСТРОИТЕЛЬСТВА КУШАНОВ ВСЕВЕРНОЙ БАКТРИИ. (ДО 70-Х ГОДОВ XX ВЕКА)

### АННОТАЦИЯ

В данной статье анализировалась история изучения градостроительства в кушанский период Северной Бактрии на примере исследований середины XIX

века, когда тема "Кушан" в научной дискуссии дошла до 70-х годов XX века.

**Ключевые слова:** Северная Бактрия, Кушан, экспедиция, градостроительство, Чингизтепа, Дальварзинтепа, Старый Термез.

**Jakhonov Temurkhan,**

Phd student of the Institute of Fine Art of the  
Academy of Sciences of Uzbekistan  
kseni pa6969@mail.ru

## **SOME ISSUES OF STUDYING OF THE URBAN PLANNING OF THE KUSHANS OF NORTHERN BACTRIA (UNTIL THE 70S OF THE XX CENTURY)**

### **ABSTRACT**

This article was analyzed the history of studying of urban planning in the Kushan period of Northern Bactria on the example of research from the mid-nineteenth century when came the subject of "Kushan" in the scientific debate to the 70s of the twentieth century.

**Index Terms:** Northern Bactria, Kushan, expedition, urban Planning, Chingiztepa, Dalvarzintepa, OldTermez.

**Д**олзарблиги. Ҳар бир тарихий даврда давлат ва жамият ҳоҳ ривожлансин, ҳоҳ таназзулга юз тутсин бу ўша давр шаҳарсозлигида ўз аксини топади. Жумладан, кушонлар даври шаҳарсозлигини - мудофаа иншоотлари, тарихий топографияси, диний иншоотлари, аҳоли яшаш биноларини таҳлилий ўрганиш Кушон подшолигининг тараққиёт даражаси, маданий алоқалари, таназзули ҳақида илмий хулосалар олишга имкон беради.

### **2. Методлар:**

Мавзуни тадқиқ этишда турли даврда қилинган тадқиқотлар қиёсий таҳлил қилиниб, тарихийлик ва ҳолислик тамойилларига таянилди.

### **3.Тадқиқот натижалари:**

Замонавий дунё илм-фанига "Кушонлар салтанати" мавзуси XIX асрнинг ўрталарида Европадаги илмий нашрлар орқали кириб келди. Бунга XVIII аср ўрталарида Европага Шимолий Афғонистон ва Ҳиндистондан олиб келинган қадимий Юнон-Бақтрия тангалари орасида "Кушон" номи битилган салтанат ҳукмдорлари зарб қилдирган тангаларининг илмий ўрганилиши сабаб бўлганди. XIX аср охирига келиб қадимги Хитой йилномалари "Ши Сзи", "Хан-шу", "Хо-хан-шу" йилномаларида Кушон подшолиги билан боғлиқ маълумотлар борлиги маълум бўлди[1, Б.7-8].

Шимолий Бақтрия ҳудудидаги қадимги шаҳарлардан энг биринчи бўлиб, Эски Термиз шаҳри археологик ёдгорлик сифатида илк бор илмий муомалага 1820-йилда рус элчисининг Бухородан қайтганидан олти йил ўтиб, элчининг котиби Г.Мейендорф томонидан Париждаги нашрларда франсуз тилидаги мақоласида тилга олинади.Г.Мейендорф ушбу мақоласида Оренбургдан Бухорога саёхати ҳақида ёритиб, Термиз шаҳри харобалари жойлашув ўрнини Амаударёнинг чап томонидаги Шермеднинг қарама-қарши томонида эканлигини таъкидлайди[2,Б.13].Бу Шимолий Бақтрияда шаҳар типидagi археологик

ёдгорликнинг илк марта илмий муомалага киритилиши эди.

Шимолий Бақтриядаги ёдгорликларни археологик тадқиқ этишбошқа ҳудудларга қараганда бироз кечроқ XX аср 20-йилларининг II-ярмидан бошланади. Ҳудуддаги археологик тадқиқотларнинг кечикишининг асосий сабаблари ўлка 1920-йилгача Бухоро амирлиги таркибида бўлган ҳамда марказдан бироз узоқда жойлашган эди [3, Б.7-8]. Бундан ташқари 1879-йилда Термизга ташриф буюрган Самара экспедицияси аъзоси Ф.Н.Жуков улар ташриф буюрганидан аввалроқ, Бухоро амирининг фармони билан Эски Термиз ва бошқа қадимги шаҳар ҳаробаларида қазилма ишлари амалга ошириш тақиқлаб қўйилганлигини қайд этади [2, Б.14-15]. Шу сабабли XIX аср охирида ташриф буюрган қизиқувчилар ҳам асосан ёдгорликларни умумий кузатув ишлари билан чекланган бўлиши мумкин.

Бухоро амирлиги тугатилганидан кейин ҳам тарихда "Босмачилик" деб ном олган ҳаракатнинг ушбу ҳудудларда давом этганлиги археологик тадқиқотларни кечроққа сурилишига сабаб бўлди.

Шимолий Бақтрия ҳудудидаги дастлабки илмий археологик изланишлар 1926-1928 йилларда Шарқ маданияти музейи томонидан Б.П.Денике бошчилигида амалга оширилган. Экспедиция биринчилардан бўлиб, Эски Термиз шаҳрининг пайдо бўлишини исломга қадар бўлган давр билан даврлаштиради, қисманкушонлар даврига оид маданий қатламларни ҳам аниқланади [4, Б.6-7].

Шундан кейин, XX аср 30-йилларида Айритом плиткаларини топилиши билан, Термиз археологик комплекс экспедицияси ташкил қилинади. Ушбу тадқиқотларда Термиз шаҳрининг тарихий топографияси ва унинг дастлабки ўрни, Чингизтепа ёдгорлигида қазилма ишлари олиб борилиб, 220м<sup>2</sup> майдондаги 4 хона очиб ўрганилиб, ёдгорликнинг ривожланиш даври кушонлар даврига тегишли эканлиги ҳамда юқори маданий қатламидан сосоний Варахран IV тангаси топилиб, милодий IV-Ҳасрлар билан даврлаштирилади. Бундан ташқари, шаҳарнинг суғориш каналлари ҳақида умумий тавсиф берилди [2, Б.38-40].

Бундан ташқари, Эски Термизнинг Амударё бўйи ҳаробаларини тадқиқ этиш давомида шаҳарнинг турли даврларда шаклланган: шаҳар қалъаси, шаҳарнинг ўзи, девор билан ўралган шаҳарнинг I ва II алоҳида ёпиқ майдон ва шаҳар атрофи қисмлари аниқланади.

Иккинчи жаҳон уруш сабабли Шимолий Бақтрия ҳудудида маълум муддат археологик изланишлар тўхтаб қолди. 1946-йилдан бошлаб Жанубий Тожикистонда ҳудудидан ҳам Кушонлар даврига оид ёдгорликлар топила бошланди. 1949-йилда Л.И.Албаум бошчилигида Кушонлар даври маданий қатламларига эга бир қанча ёдгорликлар: Хайитободтепа, Қалъа-Кулмет, Исмоилтепа, Зартепа, Хайрабодтепа, Тахта-Кувад, Далварзинтепа кабилар аниқланди. 1950-1951-йилларда Кофирнихон водийсида Қалъаи-Мир, Кайқубодшоҳ ва Мунчоқтепада қазилма ишлари амалга оширилди. Қазилмалар асосида шаҳарлардан бешта стратиграфик босқич белгиланди. Бу даврларнинг Қободиён III-V босқичлари кушонлар даврида тўғри келади [5, Б.279-293].

1959-йилдан Санъатшунослик институтининг экспедицияси Сурхон воҳасида ўз фаолиятини бошлаб, 1959-1963 йилларда Холчаён ёдгорлигидаги кушонлар даврига оид меъморчилик ва санъат намуналарини, шу билан бирга Далварзинтепа ёдгорлигида дастлабки тадқиқотлар олиб борилди. 1967-йилдан бошлаб Далварзинтепада кенг миқёсида ўрганила бошланди.

Дунё миқёсида ҳам Кушон шаҳарсозлигини тадқиқ этиш Ҳиндистонда 1935-йилда Н.Н.Гҳошнинг "Каусамбининг илк тарихи" (Early history of Kausambi)

ҳамда 1937-йилда Алтекарниг "Банорас тарихи" (History of Banoras) деб номланган тадқиқот ишларида Ҳиндистоннинг қадимги давр шаҳарсозлиги қаторида кушонлар даври шаҳарсозлиги борасида илмий изланишларини ҳам баён этилади. Ҳиндистонда кушонлар даври шаҳарсозлиги гиштлардан кенг фойдаланиши ва сувоқова тизимининг барқарорлашиши билан характерланади [6, Б.32-33].

Кўриб чиқиладиган даврда кушонлар даврини ўрганишнинг долзарб муаммоларига бағишланган бир нечта 1913, 1960-йилларда Лондонда, 1968-йил Душанбеда халқаро илмий анжуманлар ташкил этилиб, уларда Кушон подшолиги ҳудудларининг локализацияси, ҳукмдорларининг хронологияси, нумизматикаси, санъати, архитектураси ва шаҳарсозлик масалалари муҳокама қилинди [7, Б.70].

XX асрнинг 70-йилларига қадар бўлган даврда дунё илмий муҳокамасига Кушонлар подшолиги масаласи нумизматик манбалар орқали кириб келди, Хитой ёзма манбааларида Кушонлар даврига оид маълумотлар XIX аср охирида аниқланиб, ўрганила бошланди. Ушбу давлатнинг моддий маданиятига оид археологик ёдгорликларда дастлабки қазилма ишлари олиб борилди. Хусусан, Шимолий Бақтрия ҳудудидан кушонлар даври маданий қатламларига эга Эски Термиз, Далварзинтепа, Холчаён, Зартепа каби шаҳарлар аниқланиб, уларни шаҳарсозлик жиҳатдан ҳам тадқиқ этила бошланди.

#### 4. Хулосалар:

Бугунги кунга келиб Шимолий Бақтрия ҳудудида 230 га яқин кушонлар даври маданий қатламларига эга бўлган турли (шаҳар, қишлоқ ва манзилгоҳ) типдаги ёдгорликлар аниқланган [8, Б.30].

Умуман олганда Шимолий Бақтрия кушонлар даври шаҳарсозлигини тадқиқ этилиш тарихини тўртта тарихий даврга бўлиш мумкин. Булар:

1. XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг 20-йилларининг ўрталарига қадар бўлган давр. Бу даврни Кушон подшолигимавзусининг жаҳон илмий муҳокамаларига кириб келиши дейиш мумкин. Ушбу даврда асосан нумизматик ва баъзи ёзма манбалар асосида илмий изланишлар олиб борилди, Шимолий Бақтриядаги Эски Термиз шаҳри археологик ёдгорлик сифатида эътироф этилган илк маълумотлар пайдо бўлади.

2. XX аср 20-йилларининг ўрталаридан - XX аср 70 - йилларига қадар бўлган давр. Бу даврда шаҳар типдаги турли ёдгорликлардан кушон даврига тегишли маданий қатламларнинг топилиши ва ўлка миқёсида кўплаб кушон даври маданий қатламларига эга бўлган шаҳарларнинг аниқланиши ҳамда дастлабки археологик тадқиқотларнинг олиб борилиши билан характерланади.

3. XX аср 70-80 йиллардаги тадқиқотларда Бақтрия экспедициясини хиссаси катта бўлди. Қилинган археологик тадқиқотлар кушон даври шаҳарсозлиги, умуман Шимолий Бақтрия шаҳарсозлиги пайдо бўлиши ва ривожланиши борасидаги турли илмий назариялар (хусусан шаҳарлар суғориш раёнларининг маркази сифатида шаклланганлиги) фанга кириб келади.

4. XX аср 90-йилларидан ҳозирга қадар қилинган тадқиқотлар. Шимолий Бақтрия ҳудудида аниқланган қадимги шаҳар ҳаробаларида кенг кўламли халқаро тадқиқотлар олиб борилиши билан характерланади. Бу даврда Кампиртепа, Далварзинтепа, Зартепа, Эски Термиз каби ёдгорликларда амалга оширилган тадқиқотлар ўлкада кушон даври шаҳарсозлигини атрофлича ўрганишга, таҳлил қилишга имкон берди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, кушонлар даври шаҳарсозлигини тизимли тадқиқ этмасдан туриб, Кушон подшолиги сиёсий тарихи, маданияти ва Шимолий

Бақтриянинг кушонлар давридаги ўрни ҳақида тугал фикр билдириш мушкул.

#### **Иқтибослар/Сноски/References:**

---

- [1] БоровковаЛ.А. Кушанское царство (по древним Китайским источникам) . Москва : ИВ РАН, 2005. 305 с.
- [2] МассонМ. Е.Городища Старого Термеза и их изучение. (Термезская Археологическая Комплексная Экспедиция 1936 г). Ташкент: ФАН, 1940.
- [3] ПугаченковаГ.А, РтвеладзеЭ.В. Северная Бақтрия- Тохаристан. Ташкент: ФАН , 1990. 222 с.
- [4] Пидаев Ш.Р.Поселения Кушанского времени Северной Бактрии. Ташкент: ФАН , 1978. 144 с.
- [5] ДьяконовМ.М. АрхеологическиеработывнижнемтеченииирекиКафирниган (Кобадиян) (1950-1951 гг.), МИА, № 37, М.-Л, 1953.
- [6] Kameshvar Parasad The Kushana towns in India: problems and methods// Proceedings of the Indian History Congress. Vol. 34, VOLUME I , 1973.
- [7] ГафуроваБ.Г. Кушанская эпоха и мировая цивилизация // Труды международной конференции по истории, археологии и культуре центральной азии в кушанскую эпоху. М: Наука, 1974. 61-71 с.
- [8] Завьялов В.А.Кушаншахр при сасанидах (по материалам раскопок городища Зартепа). Санкт-Петербург: Санкт-Петербургского государственного университета , 2008. 296 с.

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000